


“Ал-Азҳар” шайхи Аҳмад Муҳаммад Тоййиб юртимизга ташриф буюрди



19:42 / 10.10.2018 4149


Бугун, 10 октябрь куни Миср Араб Республикаси Бош имоми, “Ал-Азҳар” диний мажмуаси раҳбари, шайх Аҳмад Муҳаммад Тоййиб бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати [хабар бермоқда](#).

Image not found or type unknown



“Ал-Азҳар” шайхи Аҳмад Муҳаммад Тоййиб ҳазратлари Ўзбекистонга ташрифлари давомида Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бўлиб, бир қатор маърифий учрашувлар ўтказиши режалаштирилган.

Image not found or type unknown



Шайх ҳазратларининг диёримизга ташрифи сайтимизда батафсил ёритиб
борилади.